

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

«РЎЙХАТГА ОЛИНДИ»

№ ВМ-343-3400-3.08

«09» __ 06 __ 2003 й.

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

С.Туляиов

«1» июль 2003 й.

“МИКРОИҚТИСОДИЁТ”

фанидан

ДАСТУР

**340000 - “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги барча бакалаврият
йўналишлари учун**

Тошкент - 2003

Тузувчи: проф. И. Игамбердиев.

Такризчи: проф. М.Л. Турсунходжаев,
доц. С.С. Насреддинова

Дастурда хилма - хил истеъмолчилар хусусиятлари, хатти - харакати, ишлаб чиқарувчилар, ишчилар, тадбиркорлар, ер эгалари, сармоя кўювчилар ва бошқаларнинг талаблари, уларнинг харажат ва даромадлари, фирма ва корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, маҳсулот баҳоси, унинг ўзгаришининг талаб ватаклифга таъсири, солиқ юкининг тақсимланиши, рақобат бозори, бозорларнинг боғлиқлиги ва уларни ўзаро таъсири каби масалаларни ўрганиб, ресурсларнинг чекланганлиги шароитида иқтисоднинг ҳал қилувчи, дастлабки ишлаб чиқариш бўғинларида бозорни хилма - хил товарлар билан тўлдириб, максимал фойдага эришиш йўллари билиш талаблари ҳисобга олинади.

В программу включены требования по знанию таких вопросов как особенностей разнообразных потребителей и их поведения, потребностей рабочих, предпринимателей, инвесторов, фермеров, рост объема продукции на фирмах и предприятиях, цену продукции, влияние его изменения на спрос и предложение, распределения налогового бремени, конкурентные рынки, взаимосвяз рынков и их взаимодействие в условиях ограниченности ресурсов, пополнения рынка разнообразными товарами и при этом пути достижение максимальной прибыли на первичном решающем звене экономики.

The distributions of tax burden, competitive markets, interrelation of the markets and their interaction in conditions of limitation of resources, updating of the market are included necessity of study of questions of features of the various consumers and their behaviour, requirements working, businessmen, investors, growth of volume of production in firms and enterprises, price of production, influence of its change on a supply and demand, in the program by the various goods and at this way achievement of the maximal profit on a primary decisive part of economy.

1. СЎЗ БОШИ

**Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари, бошқох фанлар билан ўзаро
боғлиқлиги**

- “Микроиқтисодиёт” фанини ўқитишдан мақсад – бозор иштирокчилари бўлмиш - истеъмолчиларнинг хусусиятларини, ҳатти - ҳаракатини, ишлаб чиқарувчилар, улар билан истеъмолчиларнинг боғлиқлигини; ишчилар, тадбиркорлар, ер эгалари, сармоя қўювчилар (инвесторлар)нинг талабларини, уларнинг ҳаражат ва даромадларини, фирма ва корхоналарда ишчилар сони, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, маҳсулот баҳоси, унинг ўзгаришини талаб ва таклифга таъсирини, рақобат бозори ва бошқа жараёнларнинг ўзгариши; давлатнинг роли, ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати каби масалаларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиб мукамал билимлар беришдир. Ушбу фан соҳаси ниҳоятда ранг - баранг ва кўп қиррали бўлиб, иқтисодий фикр - мулоҳаза қилишга, оқилона қарорлар қабул қилишга ўргатади.
- Фаннинг асосий вазифаси – иқтисодиётнинг ҳал қилувчи, дастлабки бўғинидаги хўжаликларнинг ресурслар чекланган шароитидаги ҳатти - ҳаракатларини ўрганиш, ресурсларни оқилона тақсимлаб, улардан самарали фойдаланиш асосида жамият аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини нисбатан тўлароқ ва сифатлироқ қондириб бориш, шу билан бир вақтда максимал фойдага эришиш йўлларини излаб топишга ўргатишдир.

Микроиқтисодиёт илмини чуқур эгаллаш ва ушбу фан соҳаси ўргатадиган иқтисодий муаммоларни фирма ва корхоналар, уй хўжаликларида ҳал этиш йўлларини топиш учун талабалардан қуйидагиларни билиш талаб этилади:

- Ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиёти механизмини;
- Корхоналар, фирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётининг хусусиятларини;
- Бозор қонунларининг моҳияти, талаблари ва унинг ҳаракати таъсирини;
- Ишлаб чиқаришни корхонада ташкил этиш асосларини;
- Кичик ва ўрта корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини; уларга тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг моҳиятини;

- Ҳукуматимизнинг ҳозирги даврдаги микроиқтисодий сиёсатини ва х.к.

“Микроиқтисодиёт” фани ўқув режасидаги бошқа фанлар билан узвий алоқададир. У даставвал фирма ва корхоналар иқтисодиёти; тадбиркорлик фанлари билан узвий боғлиқдир. Микроиқтисод илми барча иқтисодчи мутахассислари учун зарур фан ҳисобланади ва у иқтисодиёт назарияси, молия, солиқ ва солиққа тортиш, банк иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг, менежмент, бозор иқтисодиёти каби бир қатор фан соҳалари билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, улар орасида муҳим ўрин тутди. Мазкур фанни ўзлаштиришдан аввал “Иқтисодиёт назарияси” “Корхона иқтисодиёти”, “Меҳнат иқтисодиёти ва соцологияси” каби фан соҳаларини ҳам чуқур билиш тақозо этилади.

Талабалар билими ва маҳоратига талаблар

Микроиқтисодиёт илмини ўрганишда талабалар ушбу фанга боғлиқ бўлган фан соҳаларидан ҳам билимга эга бўлиши зарур. Биринчи галда талабалар бозор иқтисодиёти асосларини, бозор қонунлари ва уларнинг иқтисодиётга таъсирини, Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос томонлари, шарт - шароитларини, республикамизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарурияти, аҳамияти ва ҳуқуқий асосларини, жамият олдида турган иқтисодий муаммолар, уларни ҳал этиш йўлларини, бозор иқтисодиётининг камчиликлари, ҳукуматимизнинг микроиқтисодий соҳадаги сиёсатини чуқур билиши, корхона иқтисодиёти ва унинг ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, ресурсларни оқилона тақсимлаш ва ундан унумли фойдаланиш ва пировард натижада бозорни товарлар билан тўлдириб, жамият аъзолари талабини максимал даражада қондириш йўллари тўғрисида етарли билимга эга бўлишлари зарур. Ушбу дастурда ўрганиш учун ажратилган мавзулар бўйича талабалар билими ва маҳоратига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- - Микроиқтисодиёт фани дастурига кирган ҳар бир мавзу бўйича мустақил билимга эга бўлишлари, амалий ва семинар машғулотларида қўйилган саволларга жавоб бериши, масалалар ишлаши, тест топшириқлари, назорат ишларини бажариши ва шу асосда рейтинг балларини тўплаб боришлари;

- - Республика қонунлари ва ҳукумат қарорлари ҳақида тушунчага эга бўлишлари, уларнинг асосий томонларини билишлари;
- - Мустақил таълим учун ажратилган мавзулар бўйича тайёрланиб, зарур балларни тўплаб боришлари;
- - Яқуний баҳолашда кафедра тавсия этган “қзма иш”ларни қониқарли даражада ёзиб топширишлари лозим.

Амалий ва семинар машғулотларда бажариладиган ишларга талаблар

Намунавий дастурдаги мавзулар бўйича семинар ва амалий машғулот дарслари учун талабаларга кўрсатмалар чоп этиб тарқатилади, саволномалар, адабиётлар рўйхати, тестлар тавсия этилади. Берилган ахборотлар асосида талабалар фанни ўзлаштиришга киришадилар. Талабалар амалий машғулотлар учун ажратилган 18 соатнинг максимал 70% (яъни 12,6 балл) ҳисобдан топшириқларни бажаришлари лозим бўлади.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми

Микроиктисодиёт фани кундузги бўлимларда 4 семестрида (2 - курснинг иккинчи ярим йиллигида) ўқитилади. Ўқув режаси бўйича фан учун жами ажратилган соатлар 81 соат бўлиб, шундан 54 соати аудитория соатларидир. Маъруза соатлари 36, семинар ва амалий машғулотлар учун 18 соат белгиланган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Талабалар фанни ўзлаштириш жараёнида улар эгаллаган билимлари ўқув даргоҳи ихтиёрида мавжуд бўлган барча назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги янги низом (1999й. 8 июнь, буйруқ ¹ 194 ва 7 февраль ¹ 27)га асосан маъруза дарси, семинар ва амалий машғулотларда баҳоланиб борилади. ЖБ, ОБ бир семестрда 2 марта, ЯБ – бир марта амалга оширилади.

Маъруза ва амалий машғулотлар учун ажратилган 54 соатнинг 70% миқдорида жорий назорат учун 12,6 соат ва оралик назорат учун 25,2 соат, яқуний назорат учун эса 30%, яъни 16,2 соат ажратилган. Яқуний назоратда талабалар “қзма иш” ёзадилар.

Компьютер, ахборот ва бошқа педагогик технологияларни қўллаш

Компьютерда Жаҳон Банки Институти томонидан тақдим этилган “Микроиктисодиёт” фани мавзулари электрон оболочкага жойлаштирилган. Масофавий дарс жараёнида, бу ахборотлардан бевосита талабалар мустақил равишда фойдаланиш имкониятига эга.

Бундан ташқари талабалар Тошкент Молия Институтидаги Интернет шаҳобчасига киритилган электрон почтанинг қуйидаги қидирув системаларидан фойдаланиб ўз билимларини оширишлари мумкин.

1. www.Yandex.ru

2. www.google.ru

3. www.ortv.ru

Маъруза матнларининг электрон версиясини Тошкент Молия Институти кутубхонасидан олиб талабалар компьютер ёрдамида фойдаланишлари мумкин.

- - Статистик маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси статистик маълумотлари асосида Кейс материаллари тайёрланган ва электрон оболочкага киритилган. Бу ахборотлар республикамиз иқтисодий ҳолати тўғрисида бўлганлиги учун талабалар янада ҳам қизиқиш билан шу фанни масофавий дарсда ўрганмоқда.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Ушбу ўқув дастури асосида ишчи дастур тузилади. Ишчи дастурда фанга ажратилган соатлар, маъруза ва амалий дарслар бўйича соатлар, мустақил таълим соатлари ва шунга яраша топшириқлар мавзулари кўрсатилади, адабиётлар рўйхатлари келтирилади.

2. ФАН ДАСТУРИ I ҚИСМ.

Микроиктисодиётга кириш ва бозорлар

“Микроиктисодиёт” фанининг предмети ва ўрганиш услуби

Микроиктисодиёт илмининг муҳим томонлари. Микроиктисодиёт фанининг алоҳида иқтисодий субъектлар фаолияти, аниқ турдаги товарлар баҳоси, фирмалар ва истеъмолчилар билан боғлиқлиги; фирма ва корхоналардаги иқтисодий кўрсаткичлар, меҳнат унумдорлиги, ишсизлик, фойда ва даромад, иш кучи ва хом ашё материалларидан фойдаланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги. Хўжалик вазифаларини хал этишда микроиктисодиётнинг амалий аҳамияти.

Микроиқтисодиёт фанининг бошқа фан соҳаларида тутган ўрни ва аҳамияти.

Микроиқтисодиёт илмини ўрганиш усуллари, уларнинг моҳияти ва қўлланилиши.

Ижтимоий неъматлар ва улардан фойдаланиш

*Ижтимоий неъматлар ва уларнинг бўлиниши, моҳияти. Хусусий ва ижтимоий неъматлар.**

Неъматларнинг иқтисодий қиммати ва неъматларнинг альтернатив қиймати. Ижтимоий неъматларга бўлган талаб.

Кишилар томонидан неъматларни фойдаланиш учун танлаб олиниши.

Индивидлар, институтларнинг неъматлардан фойдаланишдаги рационал ҳаракати. Ҳаракатнинг максимал фойдалилиги ва уни амалга ошириш принциплари.

Неъматларнинг етишмаслиги, камёблиги билан унга бўлган талабнинг номуносивлиги, яъни талабнинг камёб бўлган неъматлардан кўплиги. Мулк объекти бўлган ресурслар тавсифи. Иқтисодий жараёнлар таҳлили ва иқтисодий сиёсатни белгилаш.

Микроиқтисодиёт илмининг хўжалик вазифаларини хал этишида ишлатилиши. Иқтисодий қарорлар қабул қилиш принциплари.

Талаб, таклиф эластиклиги ва солиқ юкининг тақсимланиши

Талаб эластиклиги, унинг турлари, ва аниқлаш усули. Ўзгаручан (ижобий) ва ноўзгарувчан талаб: моҳияти ва иқтисодий оқибатлари. Талаб ва таклиф эластиклигига таъсир этувчи омиллар. Талаб функцияси. Талабнинг баҳоли функцияси.

Вақт омили ва таклиф эластиклиги. Бозор даврлари, уларнинг моҳияти, товарлар камёблиги ва ортиқчалигини келтириб чиқарувчи шарт - шароитлар. *Давлатнинг баҳо устидан назорати. Талаб ўзгарувчанлиги ва солиқлар. Солиқ юкининг тақсимланиши: Солиқ тизимини амалга ошириш принциплари, бозор мувозанати ва эгри солиқлар. Солиқлар ва таклиф эластиклиги. Солиқлар ва талаб эластиклиги.*

II ҚИСМ.

Ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва рақобатли бозорлар

Истеъмолчи хатти - ҳаракатлари назарияси асослари

Истеъмолчиларнинг турлари, хусусиятлари. Истеъмолчи томонидан товар афзаллигини баҳоланиши. Истеъмолчининг товарни баҳолашига таъсир

этувчи омиллар. Бефарқлик эгри чизиғи. Ўриндош товарлар танловининг пировард меъёри. Истеъмолчи талабининг харажатиға кўра чекланиши. Бюджет чизиғи ва уни ўзгаришиға таъсир этувчи омиллар. Истеъмолчининг товар танлови. Фойдалилик концепцияси. Фойдалиликни максималлаштириш (пировард фойдалилик).

Шахсий ва бозор талаби

Истеъмолчининг товар афзаллигини ажратиши ва талабни ўзгариши. Товар фойдалилигини максималлаштириш ва талабни ўзгариши. Истеъмолни товар баҳосига боғлиқлиги. Даромадни истеъмол хажмиға таъсири. Баҳо бир хил даражада қолганда даромад кўпайишининг фойдалилиги. Бозор талабини шаклланиши. Истеъмолдаги ортиқчалик.

III ҚИСМ

. Ишлаб чиқариш ва фирмаларнинг ҳатти - ҳаракати

Ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқариш функциялари

Ишлаб чиқариш омиллари (функциялари)нинг маҳсулот хажмини кўпайишиға таъсири ($Q=F(J,K)$).

Изокванталар. Изокоста.

Қисқа ва узоқ бозор даврларидаги ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқариш хажмининг камайиши ва кўпайишининг иқтисодий оқибатлари.

Ишлаб чиқариш омиллари (ресурслар) бозори

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва иқтисодий аҳамияти. Ишлаб чиқариш омиллари (ресурслар) тўғрисида тушунча ва ресурслар бозори. *Иқтисодий ресурс гуруҳлари*. Ишлаб чиқариш омиллари бозорида фирмаларнинг ҳолати (мувозанати). *Ресурсларни танлаш ва ресурслар унумдорлиги*. Рақобат бозорида ресурсларға бўлган талаб ва таклиф.

Капитал (инвестицион ресурслар) бозори

Капитал ва инвестицион ресурслар ҳақида тушунча. Капиталдан даромад (фоиз) ва унинг иқтисодий табиати. Инвестиция қийматини ҳисоблаш. Дисконт қиймат. Бўлғуси даромадни аниқлаш. Зарар миқдорини аниқлаш. Облигацияларни дисконтланган қиймати ва уни ҳисоблаш. Облигациядан тегадиган чинакам даромад.

IV ҚИСМ. Ишлаб чиқаришнинг бозор тузилиши ва бозор омиллари

Харажатлар ва бозорнинг уларга таъсири

Харажатлар тўғрисида тушунча. Харажат турлари. *Пировард* харажатлар. Ресурсларнинг тақсимланиши ва ишлаб чиқариш имкониятлари. Ишлаб чиқариш кўламини ошириш ва харажатларнинг ўзгариши. Узоқ ва қисқа бозор даврларида фирма харажатининг ўзгариши.

Бозор ҳокимлиги

Монополия ва монопол ҳокимлик. *Монопол фирмалар ҳатти* - *ҳаракатининг таҳлили*. Монопол ҳокимликни келиб чиқиш шарт - шароитлари. Монопол ҳокимликдаги зарарлар. Ижтимоий харажатлар самарадорлигининг пасайиши. *Ўзбекистонда яқка ҳокимликка қарши қабул қилинган ҳукумат қонун ва фармонлари, тадбир - чоралари*.

Баҳонинг давлат томонидан бошқарилиши ва монопол ҳокимликдаги соф зарарнинг йўқолиши.

Монопол рақобат ва олигополия

Бозор тузилиши, унинг шакллари ва аҳамияти. Монополия шароитида рақобат бозори. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитасининг монопол фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантиришга қаратилган чоралари.

Монопол рақобат ва корхона фойдаси. Маҳсулотни дифференциаллаштириш. Монопол рақобатнинг ижтимоий зарурияти. Олигополия ва корхоналарнинг олигополия шароитидаги ҳатти - ҳаракати. Ўзбекистон бозорларида соғлом рақобат муҳитини барпо этишдаги муаммолар.

Бозорлар боғлиқлиги ва уларнинг ўзаро таъсири

Солиқ, баҳо ва маҳсулотни сотиш ҳажми ўртасидаги боғлиқликлар таҳлили. Фойдани максималлаштириш. Қисқа даврда фойдани максималлаштириш. Узоқ даврда фойдани ошириш. Товар айирбошлаш жараёнидаги самарадорлик.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУСИНИНГ МАЗМУНИ

Фаннинг предмети ва ўрганиш услуби

«Микроиқтисодиёт» фанининг моҳияти, тутган ўрни, аҳамияти ва вазифалари. Фанни ўрганиш усуллари, уларнинг моҳияти. Хўжалик вазифаларини ҳал этишда микроиқтисодий билимларнинг қўлланилиши.

Ижтимоий неъматлар ва иқтисодий ўсиш

Ижтимоий неъматлар, уларнинг бўлиниши ва моҳияти. Неъматларнинг иқтисодий қиймати ва альтернатив қиймати. Неъматлардан танлаб фойдаланишдаги рационал ҳаракат. Иқтисодий ўсиш нима Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари.

Талаб ва таклиф эластиклиги ва солиқ юкининг тақсимланиши

Талаб ва эҳтиёж тўғрисида тушунча. Талаб; талаб нима; талаб ҳажми; талаб функцияси; талаб қонуни; талаб чизиғи; талаб ҳажмининг ўзгариши.

Таклиф; таклиф ҳажми; таклиф функцияси; таклиф қонуни; таклиф эгри чизиғи; таклифнинг ўзгариши. Таклиф, талаб эластиклиги ва унга таъсир этувчи омиллар. Солиқ юкининг тақсимланиши.

Истеъмолчи ҳатти - ҳаракатлари назарияси, асослари

Истеъмолчи ҳатти - ҳаракатларининг хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар. Истеъмолчининг товар афзаллигини ажратиши: бефарқлик эгри чизиғи; товар танловининг пировард меъёри. Истеъмолчи талабининг даромадига кўра чекланиши (ёки даромаднинг талабга таъсири). Истеъмолчининг товар танлови (эҳтиёжини максимал қондириши). Товар фойдалилигини ошириш ва истеъмолчиларнинг қониқиши. Товарларнинг пировард фойдалилиги.

Шахсий ва бозор талаби

Шахсий ва бозор талаби тўғрисида тушунча, уларнинг фарқи, хусусиятлари. Алоҳида истеъмолчиларнинг товарларга бўлган талабини қондиришига баҳонинг таъсири. Товарлар баҳоси ўзгариши натижасида истеъмолчи оладиган самара. Даромаднинг истеъмол ҳажмига таъсири. Бозор талабининг шаклланиши.

Ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқариш функциялари

Ишлаб чиқариш омилларининг маҳсулот ҳажмига таъсири. Изокванталар. Қисқа даврдаги ишлаб чиқариш. Узок даврдаги ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқариш омиллари (ресурслар) бозори

Ишлаб чиқариш омиллари тўғрисида тушунча. Ишлаб чиқаришнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти. Ишлаб чиқариш омилларининг корхона (фирма) фаолияти натижаларига таъсири. Ресурслар танлови ва ресурслар унумдорлиги.

Капитал (инвестицион ресурслар) бозори

Капитал ва инвестицион ресурслар тўғрисида тушунча. Капиталдан даромад (%) нима Бўлғуси корхонани аниқлаш. Инвестиция қийматини ҳисоблаш.

Харажатлар ва уларга бозорнинг таъсири

Харажатлар тўғрисида тушунча, уларнинг турлари. Харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва харажатларнинг ўзгариши. Бозор даврининг харажатга таъсири.

Бозор ҳокимлиги

Бозор ҳокимлиги хусусиятлари. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши йўллари, шарт - шароитлари, хусусиятлари. Якка ҳокимлик ва бозор талаби.

Монопол рақобат ва олигополия

Бозор тузилиши ва унинг шакллари. Якка ҳокимлик шароитидаги рақобат ва корхона фойдаси. Олигополия шароитида корхоналар. Монопол фаолиятини чеклаш ва рақобатни ривожлантиришга қаратилган ҳукумат чоралари.

Бозорлар боғлиқлиги ва уларнинг ўзаро таъсири

Солиқ, баҳо ва маҳсулотни сотиш ҳажми ўртасидаги боғлиқликлар таҳлили. Фойдани максималлаштириш йўллари.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

- - Корхоналарнинг иқтисодий моҳияти.
- - Талабнинг баҳо таъсирида ўзгариши ва умумий тушунча.
- - Бефарқлик эгри чизиғи.
- - Бюджет эгри чизиғи.
- - Товарлар алмашинуви меъёрининг графикда кўриниши.
- - Товар ёқтиришдаги индивидуал фарқларнинг чизмадаги кўриниши.
- - Ресурсларнинг тақсимланиши ва ишлаб чиқариш имкониятлари.
- - Харажат турлари.
- - Фирма ресурсларининг пировард унумдорлиги.
- - Ресурсларни оптимал равишда ишлатиш.

- - Айирбошлашдаги самарадорлик.
- - Қисқа даврда фойдани ошириш.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТ ТУРЛАРИ

Семинар ва амалий дарслардаги сўров; оқзаки, ёзма жавобларини рейтинг мезонларига кўра баҳолаш (балларда).

Давомати ва дарсдаги фаоллигини баҳолаш.

Фаоллиги – бу адабиётларни топа билиши, улардан фойдаланиб бориш, конспектларни мавжудлиги, амалий топшириқларни (масалаларни, тестларни) ишлаш, билишга бўлган интилиши, интернет тизимидаги ахборотлардан фойдаланиш, статистик ахборотлар тўплаш ва ҳ.к. Қолдирилган дарслар бўйича қўшимча жавоб бериш.

- Уй иши, назорат иши бажарилишини, мустақил таълим топшириқларини рейтинг мезонлари асосида баҳолаш (ёзма равишда).

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ва ишлаб чиқарувчилар билан савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Қарори 13 ноябрь 2002 йил //Халқ сўзи 14 ноябрь 2002.
3. Ер ости бойликлари тўғрисида (янги тахрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: 2002 13 декабрь//Халқ сўзи, 2002, 23 декабрь.
4. И.Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
5. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида - Т.: Ўзбекистон, 1995.

7. Каримов И. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли - Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Асосий мақсад – иқтисодий юксалишга эришишдир. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. - Т.: Адолат, 1996. 2 - бўлим. Мулк ҳуқуқи ва бошқа адлиявий ҳуқуқлар.
10. Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Микроиқтисодиёт. - Т.: Шарқ, 2001.
11. Хамдамов К. Микроиқтисодиёт. - Т.: ТДИУ, 2002.
12. Эгамбердиев Э. Микроиқтисодиёт асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
13. Эгамбердиев Э. Микроиқтисодиёт (маъруза матнлари). – Т.: ТМИ, 2001.
14. Уч. пос. Микроэкономика. Под. ред. Базылова, С. П. Бурпо. - Минск: БГЭУ, 2000.
15. Пиндайк Р., Рубинфельд Д., Роберт С., Даниэл Л. Микроэкономика. – М.: Дело, 2001.
16. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учеб. МГУ, - М.: 2002.
17. Муракаев Л.С. Микроэкономика. - М., 2000.
18. Гальперин В.М. Микроэкономика. - М., 1999.
19. Нуреев Р.М. Курс микроэкономики. - М., 2000.
20. Ивашковский С.Н. Микроэкономика - М.: Дело, 1998.
21. Емцов Р.Г., Лукин М.Ю. Микроэкономика. Учебник. - М.: Дело, 1999.
22. Сборник задач по микроэкономике. К курсу микроэкономики Р.М.Нуреева. – М.: НОРМА, 2002.

Қўшимча адабиётлар:

1. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи. Экономика - М.: Дело, 1997.
2. Кэмбелл Р. Макконел., Стенли Л. Брю. Экономикс. - М.: Инфра - М, 2003.

*Мустақил таълим топшириқлари курсив билан ажратилган